



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил – АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 21 февраль, № 37 (8932)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

20 февраль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

Сенатнинг тўртинчи ялпи мажлисининг биринчи кунинда дастлаб “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун қўриб чиқилди.

Мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида кенг қўламли ишлохотлар амалга оширилиб, жамиятни янгилаш йўлида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Мазкур эзгу амаллар диний ва миллий қадриятларимизни янада юксалтириш борасида ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Тарихий обидалар, муборак қадамжолар ва зиёратгоҳларнинг

ободонлаштирилиши, масжид ва мадрасалар фаолиятининг йўлга қўйилиши, ўзбек халқи ҳамда Ўзбекистонда яшовчи турли миллат вакиллари миллий ва диний маросимлари, шунингдек, аънавий байрамларининг ўтказилаётгани бунинг яққол далилидир.

Эътиборлиси, кейинги йилларда Ўзбекистон фуқаролари учун Ҳаж квотаси 3 баробарга оширилиб, Умра зиёратига квоталар тўлиқ бекор қилинди. Улуғ аждодларимизнинг диний-маърифий салоҳиятини дунёга танитиш мақсадида Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилиб, фаолият кўрсата бошлади.

Сенаторлар томонидан маъқулланган қонун ва концепция билан фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси дунёвий давлат эканлигига оид конституциявий қоидаларни рўёбга чиқаришга ҳамда диний соҳадаги давлат сиёсатининг мақсади, вазифалари, принциплари, устувор йўналишлари ва уларни амалга ошириш механизми белгиланмоқда.

Шунингдек, ушбу ҳужжат билан



Ахборот муҳаммадов олган сурат.

белгиланаётган асосий вазифаларнинг бажарилиши устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш мақсадида парламент комиссияси ташкил этилиши назарда тутилмоқда.

Концепциянинг қабул қилиниши диний бағрикенглик ва конфессиялараро тотувлиқни таъминлашга асосланган муносабатлар моделини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари такомиллаштиришга, жамиятда тотувлик, ижтимоий ҳамжиҳатлик ва бирдам-

лик муҳити мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин ялпи мажлисда “Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Қонунда бозор муносабатлари-

ни янада ривожлантириш шароитларида тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришнинг янги ҳама қўлбил воситаларини ишлаб чиқиш, айниқса, тадбиркорлик субъектларига қафолат тарзида ёрдам кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, банк кредитларига муқобил бўлган пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган нормалар белгиланмоқда.



ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРГАН САМАРАЛИ ТАШРИФ

Ўзбекистон кейинги йилларда Кўрфаз араб давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантиришни янги bosқичга олиб чиқмоқда. Улар орасида Кувайт Давлати алоҳида ажралиб туради. Негаки, мамлакатимиз ташқи сиёсатида минтақанинг бақувват ўлкаларидан бири Кувайт нисбатан янги давлат. Кўрфаздаги ва Яқин Шарқдаги араб давлатлари билан алоқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев олиб бораётган прагматик сиёсат туфайли охириги йилларда фаоллашди ва давлатларимиз бир-бирига мутлақо янги нигоҳ билан қарашни бошлади.

Мушоҳада

Ташқи сиёсатдаги тажрибадан яхши маълумки, у ёки бу ташрифга тайёргарлик кўриш, уни муваффақиятли ўтказиш, манфаатли битим ва келишувларга эришиш осон бўлмайди. Икки давлат тегишли идоралари томонидан ташрифга узоқ ҳамда пухта тайёргарлик кўрилгани аниқ. 2020 йилдан буён икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш етти баробар ошгани, шу билан бирга, барча даражадаги мулоқотлар вазирликлардан тортиб, парламентларга ва энг юксак даражада — давлат раҳбарларигача жадал тус олаёт-

гани фикримизни қўллаб-қувватлайди. Бундай мулоқотлардан қўзланган мақсад — дунё давлатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, сармоя олиб келиш, уларни янгидан янги корхоналар қуришга сафарбар этиш, одамларни даромадли иш ўринлари билан таъминлаш, халқимизнинг розилигига эришиш. Шу нуктаи назардан, давлатимиз раҳбарининг икки кунлик ташрифи чоғида 14 та муҳим тадбир ўтказгани, дастурнинг зич ташкил этилгани ортида машаққатли меҳнат



ётибди, десак, янглишмаган бўламыз. Асосийси, мулоқотлар туфайли ўзаро ҳамкорликдаги ҳали очилмаган қирралар кашф этилди, улкан салоҳият йўналишлари аниқланди.

Давлатимиз раҳбарининг аэропортда Кувайт Давлати Амири томонидан шахсан қутиб олинishi бу Ўзбекистонга бўлган ишонч ва ҳурматдан далолат беради. Ўтказилган тантанали маросимда бутун Кувайт ҳукумати ҳамда мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари катнашгани ҳам самимий муносабатнинг исботидир.



Дил сўзи

Эътибор ва ғамхўрлик ёшимизга ёш қўшмоқда

Мамлакатимизда ҳар йили 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Фармони билан биз каби уруш қатнашчилари ва фронторти меҳнаткашлари моддий рағбатлантирилади. Мазкур эзгу аънава бу йил ҳам баланд руҳда ташкил қилинаётгани кишига ўзгача шукҳ бахш этаётир.



Хусусан, давлатимиз раҳбарининг кеча эълон қилинган “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармонини ўқиб, қувончдан кўзларимга ёш келди, кўксим қалтиради. Унда биз каби Ватанимиз озодлиги, халқимиз омонлиги йўлида курашган фидойиларга катта миқдордаги бир марталиқ пул муқофотлари берилиши белгиланган. Гап пулда эмас, албатта. Бу эътибор мамлакатимизда инсон қадри, эъзозини нақадар юксаклигидан далолат. Президентимиз ва яқин инсонларимизнинг қўллаб-қувватлаши, меҳр ҳамда ғамхўрлиги ёшимизга ёш қўшмоқда, десам, муболаға эмас.

Бу йил ёшим 104 га тўлди. Ҳа, умримизнинг энг гуллаган йилларини Иккинчи жаҳон урушининг оловли жанггоҳларида ўтказдик. Дахшати уруш жараёнида Латвия, Литва, Эстония каби давлатларни душмандан озод қилишда иштирок этдим. У кунларни эслашнинг ўзи кўрkinчи... Уруш ҳеч кимни аямайди, шафқатсиз. Ҳозиргина гаплашиб ўтирган қурлодошнинг кўз ўнгингда ҳалок бўлади. Тасодиф, омад, Яратганнинг марҳамати билан омон

қолиш мумкин. Лекин у ерда ҳеч ким ўз жонини асрашни ўйламайди, аксинча, фикру зикри душманларни йўқ қилишга қаратилади. Ортингдан бўзлаб қолган яқинларнинг, юрт озодлиги учун кураш жангчига куч, ирода беради.

Буюк ғалабадан сўнг Ватанга саломат қайтиш менга ҳам нисбат этди. Педогогика соҳасида ўқишни тамомлаб, 40 йил давомида Бойсун туманидаги мактабда дарс бердим. Шу касбим ортдан “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълоҳисси” нишони билан тақдирландим. Инсон шаъни юксалган, меҳнати кадр топган юртимизда 11 нафар фарзанд, 48 нафар невар, 70 нафар чевара ва 7 нафар эвара даврасида меҳр-муҳаббат ҳамда иззат-икромда умргузаронлик қиляпман.

Ватанимиз тинчлиги, юртимиз ободлиги ва хонадонларимиз файзу баракасига кўз тегмасин. Барча балою қазодан Яратганнинг ўзи асрасин.

Шоҳимардон ҲАМРОЕВ,
Иккинчи жаҳон уруши
қатнашчиси.

Сурхондарё вилояти,
Бойсун тумани

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ўзбекистон ва ЖСТ: ҲУҚУҚИЙ АСОСНИ УЙҒУНЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштириш бўйича комиссияси томонидан “Ўзбекистон ва Жаҳон савдо ташкилоти: қонунчиликни уйғунлаштиришнинг долзарб масалалари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жаҳон савдо ташкилоти масалалари бўйича махсус вакили, Инвестициялар, саноат ва савдо, Адлия вазирликлари, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги, Божхона, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмиталари, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси, Давлат активларини бошқариш агентликлари ҳамда бошқа давлат идоралари мутасаддилари иштирок этди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари бошчилигида Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги икки йил давомида музокаралар жараёни янада жаддаллашиб, қисқа давр оралигида мамлакатимизнинг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича тузилган Ишчи гуруҳнинг беш маротаба ййгилиши ўтказилди. Натижада бүгунги кунга келиб Ўзбекистон билан АҚШ, Хитой, Япония, Туркия, Бразилия ва Саудия Арабистони каби 20 дан ортиқ ЖСТ аъзолари ўртасида миллий бозоримизга ушбу давлатлар махсулотлари ва хизматларининг кири-

ши шартларини келишиш бўйича икки томонлама музокаралар якунланди.

Шунингдек, ЖСТга мамлакатимизнинг аъзо бўлиб кириш шартларини қайд этувчи ҳисобот лойиҳаси шакллантирилди. Қонунчилигимизни ЖСТ талабларига мослаштиришга қаратилган 20 дан ортиқ қонун ҳужжатлари кўриб чиқилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистоннинг ЖСТ билан ишлаш бўйича музокаралар гуруҳи ҳамда тегишли давлат органлари билан миллий қонунчиликни ЖСТ битимларига уйғунлаштириш борасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш истиқболлари муҳокама қилинди. Жумладан, “Техник тартибга солиш тўғрисидаги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Махсулот хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Ветеринария тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиришлар киритиш ҳамда “Антидемпинг чоралари тўғрисида”ги, “Муҳофаза чоралари тўғрисида”ги ва “Компенсация божлари тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилинишини жадаллаштириш бўйича ҳамкорликда фаолият олиб боришга келишиб олинди.



ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ БЎЙИЧА АХБОРОТ ЭШИТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги директори И. Эргашевнинг “Қишлоқ ҳўжалиги уруғлик материаллари ва озиқ-овқат махсулотларини карантин назоратидан ўтказиш, кимёвий воситаларни (пестицидларни) рўйхатга олиш ва савдосини тартибга солиш ҳамда зарарли хашаротларга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, фитосанитария ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, минерал ўғит ва кимёвий воситаларни етказиб бериш, ташқи бозорда маҳаллий қишлоқ ҳўжалиги махсулотларининг рақобатбардорлигини ошириш, агрокимёвий хизматлар сифатини яхшилаш бўйича кенг

қўламли ишлар олиб боришмоқда. Уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш учун “Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур ҳужжат асосида мамлакатимизда том маънода ўсимликлар ҳимояси борасида ягона давлат сиёсати шаклланди. Шу билан бирга, давлат бошқаруви тизими яратилди, давлат назорати қучайтирилди.



Ҳудудлар иқтисодиётида яна бир драйвер

Юртимизда аҳолини уй-жой билан таъминлаш, бу борада уларга ипотека кредитлари ва бошқа имтиёзларни тақдим этиш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2024 йилда:

- 100 мингдан зиёд хонадонларга эга 2 044 та кўп қаватли уй бунёд этилди;
- мазкур уйларни барпо қилишда ва ёндош тармоқларда 350 минг одам иш билан таъминланди;
- соҳани рағбатлантириш учун 59 минг одамга 17 триллион сўм ипотека кредити ажратилди.

Факт ва рақамлар



Шунингдек, жорий йилда мамлакатимизда 120 минг хонадонли кўп қаватли уйлар қурилиши режалаштирилган.



Ўзбекистон ва ЖСТ: ҳуқуқий асосни уйғунлаштиришнинг долзарб масалалари



Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти-га қўшилиши ҳамда аъзолик яратиб берадиган имкониятлардан самарали фойдаланиш учун қонунчилик ва ижро ҳокимияти органларининг уйғун ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб қилиши иштирокчилар томонидан алоҳида қайд этилди.

Давра суҳбатига таъкидланганидек, Парламент комиссияси Президентининг янги қақриқ Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг би-

ринчи мажлисидаги тавсияларидан келиб чиқиб ташкил этилган бўлиб, қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимлариغا уйғунлаштириш бўйича белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан парламент назоратини амалга ошириш, тегишли давлат органлари билан биргаликда қонунчиликни хатловдан ўтказиш ишларини ташкил этиш ҳамда ЖСТ талабларига мувофиқ тақомиллаштириш юзасидан тақлифларни ишлаб чиқишни мақсад қилган ва Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо

бўлиши жараёнларини самарали амалга ошириш учун парламентлараро алоқаларни йўлга қўйишни режалаштирган.

Қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимлариغا уйғунлаштириш бўйича белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан парламент назоратини амалга ошириш, тегишли давлат органлари билан биргаликда қонунчиликни хатловдан ўтказиш ишларини ташкил этиш ҳамда ЖСТ талабларига мувофиқ тақомиллаштириш юзасидан тақлифларни ишлаб чиқишни мақсад қилган ва Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо

бўлиши жараёнларини самарали амалга ошириш учун парламентлараро алоқаларни йўлга қўйишни режалаштирган.

ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ БЎЙИЧА АХБОРОТ ЭШИТИЛДИ

Қонунда Вазирлар Маҳкамаси, Қишлоқ ҳўжалиги ҳамда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирликлари, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг ўсимликлар ҳимояси бўйича ваколатлари аниқ қўрсатиб берилган. Шунингдек, республика ижро этувчи ҳокимият ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, юридик ҳамда ҳимоянинг шахсларининг бу йўналишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам аниқ белгиланган.

Бундан ташқари, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари, қимёвий моддалар, биологик воситалар ва материалларни сақлаш, қўллаш, зарарсизлантириш, бутунлай йўқотиш, ташши ва қўйиб ташлашга доир талаблар ўз аксини топган.

Мажлисда қайд этилганидек, ўтган давр мобайнида карантин остидаги маҳсулотлардан 5,5 млн. тоннаси республика ҳудудига қиритилган. Шунингдек, 2024 йилда 10,6 млн. метр куб, 7,2 млн. метр кв. зарарсизлантириш (фумигация) ишлари амалга оширилган.

Мамлакат бўйича 6,1 млн. гектар майдонда мониторинг назорат ишлари ўтказилган. Республика агроқимёвий таҳлил маркази ва унинг ҳудудий бўлиномалари томонидан агрокластер ҳамда фермер ҳўжалиқларининг майдонлари учун "uzagrolab.uz" электрон платформасида тупроқнинг элек-

трон агроқимёвий хариталари тайёрланган. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасини рақамлаштириш бўйича ҳам тизимли ишлар бажарилмоқда. Жумладан, ўсимликларни ҳимоя қилиш ва қимёллаштириш воситаларини синовдан ўтказиш, рўйхатга олиш мақсадида "reg.efito.uz" электрон ахборот тизими ишга туширилган. Натижда электрон аризаларни масофадан туриб онлайн равишда юбориш орқали тадбиркорларнинг вақти ва маблағи иқтисод қилиниб, автоматик равишда ариза ҳолати бўйича тадбиркорларга хабарнома юбориш тизими йўлга қўйилган.

Мажлисда депутатлар соҳада бажарилаётган ишларни эътироф этиб, минерал ўғитлар ва қимёвий воситаларни ишлаб чиқариш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келишдан бошлаб "рақамли маркировка" орқали истеъмолчига қадар бўлган барча жараёни кузатиб бориш тизимини жорий қилиш бўйича бошланган ишларни ачуллаш, агрокластер ва фермер ҳўжалиқларининг ер майдонларидаги тупроқнинг электрон агроқимёвий хариталарини тўлиқ шакллантириш юзасидан тақлифлар беришди.

Шунингдек, зараркунчиларга қарши қурашишга қаратилган чора-тадбирларни янада фаоллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Мажлисда И. Эргашевнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинган ҳамда ўсимликлар карантини ва ҳимояси борасидаги фаолиятни тақомиллаштириш бўйича тақлиф, тавсиялар берилди.

СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан "Ҳукумат соати" бўлиб ўтди.

«Ҳукумат соати»

Унда депутатлар "Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш, каналлар ва сугориш тармоқларини бетонлаштириш ишларининг босқини тўғрисида"ги масалани муҳокама қилишди.

Кун тартибидидаги ушбу масала юзасидан депутатларнинг саволларига Сув ҳўжалиги вазири Шавкат Ҳамроев жавоб берди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда республикамиз микёсида экологик тизимлар ва иқтисодиёт тармоқлари фаолиятини яхши йўлга қўйиш, аҳолини сув ресурслари билан барқарор таъминлаш ва ундан оқилона фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш, каналлар ҳамда сугориш тармоқларини бетонлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Юртимизда соҳалар бўйича сувга бўлган ўртача талаб йилга 51 млрд. куб метрни ташкил этади. Бу сувларнинг 15 — 20 фоизи мамлакатимиз ҳудудига шаклланса, қолган қатта қисми қўшни давлатлардан оқиб келади. Бу тармоқлар кесимида таҳлил қилинганда, сувнинг асосий қисми, яъни 91 фоизи қишлоқ ҳўжалиги тармоғига, қолгани коммунал ҳўжалик, саноат ва энергетика соҳаларига тўғри келади. Хусусан, қўшни давлатлар билан сув ресурсларини интеграллашган ҳолда бошқариш, трансченарвий сув ресурслари ҳамда давлатлараро сув ҳўжалиги объектларидан биргаликда фойдаланиш масалаларида фаол икки ва кўп томонлама манфаатли ҳамкорлик-

да учрашувлар ташкил этилиб, муҳим келишувларга эришилмоқда.

"Ҳукумат соати"да депутатларга ўтган йилда сув тежаш технологияларини жорий этиш бўйича белгиланган вазифалар ижроси, давлат томонидан соҳани қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратиётган субсидия маблағларидан мақсадли фойдаланиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан ҳам маълумот берилди.

Вазирнинг айтишича, сўнгги беш йилда мамлакат бўйича жами 1,9 млн. гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилиниб, уларнинг умумий қўрсаткичи сугориладиган ер майдонларига нисбатан 46 фоизга етказилган.

2024 йилда беш йил муддатга 2 йил имтиёзли давр билан 14 фоизли кредит маблағлари ажратилиши натижасида жами 326 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар татбиқ этилган. 522,8 минг гектар қишлоқ ҳўжалиги экин ерлари лазер ускунаси ёрдамида текислаштириш хисобига мавсум давомида 2,5 млрд. куб метр сув иқтисод қилишга эришилган.

Сув тежовчи технологияларга ўтган ташаббускорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган йилнинг ҳисобот даврига қадар 22,1 минг гектар пахта майдонида жорий этилган томчилатиб ва дискрет сугориш технологиялари учун жами 208,2 млрд. сўм субсидия маблағлари ажратилган. Ушбу тадбирлар бажарилиши туфайли ўтган йили 8 млрд. куб метр сув ресурслари исроф қилиниши-

нинг олди олиниб, тақоррий экинларни сув билан қоплатиш таъминлаш имкони яратилган.

Депутатлар вазирлик томонидан каналлар ва сугориш тармоқларини бетонлаштириш, бу соҳага илгор технологияларни қўллаш бўйича қилинаётган ишлар билан ҳам қизиқишди.

Вазир бунга жавобан ўтган йилда каналларни бетонлаштириш учун республика бюджетидан 700,5 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилиб, 554,2 км. магистраль, туманлараро ҳамда ҳўжалиқлараро каналлар реконструкция қилингани, шундан 437,3 км. каналлар бетонлаштирилганини айтиди. Шу билан бирга, халқаро молия ташкилотларининг тегишли маблағлари жалб этилиб, 48,2 км. каналларда бетонлаштириш ишлари амалга оширилган. Ҳозирги кунда ХХРнинг нуфузли компаниялари билан 1,3 минг км. каналларни реконструкция қилиш бўйича ишлар олиб бориляпти.

Вазирлик маълумотида кўра, 2030 йилга қадар бетон қопламали каналлар улушини 13,2 минг километрга, қишлоқ ҳўжалиги экинларини сугоришда сув тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ерларнинг умумий майдонини 2 млн. гектарга, сув жумладан, томчилатиб сугориш технологияси 600 минг гектарга етказиш мақсад қилинган. Бу борада жорий йилда 570,4 км. магистраль каналлар ва 15 минг км. ички ҳўжалик ирригация тармоқларини бетон қопламга ўтказиш режалаштирилган.

"Ҳукумат соати"да депутатлар томонидан соҳа истиқболлига қаратилган бир қатор тақлифлар берилиб, кун тартибидидаги масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олindi.

«Халқ сўзи».

ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРГАН САМАРАЛИ ТАШРИФ

Икки мамлакат раҳбарларининг музокаралари мазмунли кечди, кенг қамровли шериклиқни ривожлантириш бўйича келишиб олindi. Иқтисодий ҳамкорлик нуктаи назаридан, мамлакатларимиз бири-бирига муҳим имкониятларни ишга солиши маълум бўлди. Президентимизнинг Кувайт валиаҳди, ҳукумат аъзолари ҳамда йирик компаниялар раҳбарлари билан ўтказган учрашувлари яқунлари ана шундан далолат беради.

Яқингача Кўрғаздаги араб давлатлари билан, жумладан, Кувайт билан муносабатларимиз мавжуд салоҳиятимизга мос равишда фаол бўлмади. Президентимизнинг очилиқ сиёсати туфайли бу йўналишда ҳам кейинги йилларда туб бурилиш юз берди. Ўзбекистон минтақа мамлакатлари билан алоқаларни йилдан-йилга ривожлантириб бормоқда. Ўзаро мулоқотлар фаоллашди, савдо ва инвестициялар кўпайди, қўшма корхоналар ҳамда йирик қўшма саммитлар ўтказилмоқда. Шунинг учун Кувайт билан муносабатларга янгича импульс бериш Президентимиз савий-ҳаракатларининг мантикий давомиди бўлди.

Энг аввало, Кувайт дунёдаги энг бой давлатлардан бири ҳисобланади ва унинг қатта молиявий имкониятлари Ўзбекистонга муҳим инвестицияларни жалб қилиш учун қўлай муҳит яратди. Кувайтнинг суверен жамғармалари ҳамда йирик сармоявий фондлари мамлакатимиздаги истиқболли лойиҳаларга қатта маблағ ажратилиши мумкин ва бу потенциал янги йўналишлардан бири. Ташриф Кувайт учун Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги муҳим иқтисодий ҳамкори сифатидаги аҳамиятини яна бир бор намоён этди. Бу эса, ўз навбатида, Кувайт учун сармоя оқимини диверсификация қилиш ва минтақа бозорларида ўз иштирокини кенгайтириш имконини яратди. Иккинчи муҳим жиҳати, Кувайт бозорига кириш орқали Ўзбекистон ўз маҳсулотларининг экспорт географиясини кенгайтириш имкониятига эга бўлади.

Хабарингиз бор, Ўзбекистонда май ойида Кўрғаз араб давлатлари ҳамкорлиқ кенгаши ва Марказий Осиё иккинчи саммити ўтказилди. 2025 йилда Кўрғаз араб давлатлари ташкилотига Кувайт расмий қилишти. Шу жиҳатдан, ушбу тадбирнинг Ўзбекистонда ўтказилиши ва Кувайтнинг Кўрғаз араб давлатлари ташкилотига расмий нафақат икки давлат, балки икки минтақа имкониятларини ҳам бирлаштиришга, минтақаваримиз ҳамкорлиги учун янги кун тартибини яратишга хизмат қилади. Агар эътибор берган бўлсангиз, январь ойида Президентимиз илк ташрифини Бирлашган Араб Амирликларидан бошлади. Ва бу ташрифлар мантикий давомли мазмунга эга, десак, муболага бўлмайди. Ўзбекистон ва Кувайт кўпроқ савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамда молиявий ҳамкорликдан манфаатдорлигини музокаралар натижалари яққол қўрсатиб берди. Давлатимиз раҳбари еттига йирик компания раҳбарлари билан бирмабир учрашув ўтказди. Ушбу йўналишдаги қишлоқ ҳўжалиги, "яшил" энергетика, саноат кооперацияси, транспорт ва логистика, инфратузилма, шаҳарсозлик, соғлиқни сақлаш,

туризм кабиларга бориб тақалади.

Ҳамкорлиқни жадаллаштириш мақсадида икки давлат раҳбарлари қўшма инвестиция платформаси ва ишбилармонлар кенгаши каби механизмларни йўлга қўйиш, шунингдек, Ал-Кувайт шаҳрида Ўзбекистоннинг савдо уйини очишга келишиб олди. Кувайт расмийлари инвестициявий муҳитни яхшилаш, қўшма корхоналар ташкил этиш ва саноат кооперацияси бўйича тақлифларни илқилик билан кутиб олишди, шу билан бирга, Кувайт томони Ўзбекистондаги мавжуд иқтисодий шaroитлардан ва инвесторларга яратилган қўлайликлардан фойдаланишдан манфаатдорлигини яширмади. Шунингдек, Кувайт

иқтисодий интеграциянинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳамдир. Ресурслар, тармоқлар ва стратегияларнинг бири-бирини тўлдирishi орқали икки мамлакат ўзаро манфаатларга эришилиши ҳамда Марказий Осиё ва Кўрғаз минтақаси ўртасидаги ҳамкорлиқнинг намунали моделини яратиши мумкин.

Шу ўринда Ўзбекистон ва Кувайт раҳбарияти олиб бораётган сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг ўхшаш жиҳатлари ҳақида ҳам тўхталиш жоиз. Бу фикрни Кувайт Амири алоҳида таъкидлади. У Ўзбекистондаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш билан бирга Президентимизга сўзи ва амали бир шахс, дея таъриф берди. Давлатимиз раҳбарининг иқтисодиёт мукам-

техник ҳамкорлик бўйича қўшма қўмита сессияларини ўтказишга келишилди.

Икки мамлакат раҳбарларининг музокаралари яқунлари бўйича тўққизта йўналишда ўзаро манфаатли битимлар имзоланди. Хусусан, Саноат соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим, Ҳаво қатнови тўғрисидаги битимга баённома, Меҳнат соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим, "Ақли" шаҳарларни барпо этиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим, Санъат ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим, Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим, Туризм соҳасида 2025 — 2027 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури, Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан ҳамкорлик тўғрисида битим.

Улар ичида Кувайт меҳнат бозорига Ўзбекистонлик потенциал ишчи кучини жалб қилишга қаратилган меҳнат соҳасидаги ҳамкорлик битимига тўхталиш жоиз. Ўзбекистоннинг ташки меҳнат миграциясида янги манзил сифатида Кувайт меҳнат бозорини ўрганиш ва соҳа мутахассисларини жалб қилиш ўта муҳим. Бу борадаги битим орқали миграция соҳасидаги ҳамкорлиқимизнинг ҳуқуқий таъминлари белгилан олindi. Кувайт аҳолиси 4,9 миллион кишини ташкил этгани ҳолда, мамлакатда 3,4 миллион нафар муҳожир меҳнат қилади. Улар қурилишдан тортиб юқори технологияли компанияларга, тиббиёт, таълим, сунъий интеллект ва бошқа соҳаларда фаолият кўрсатади. Ўзбекистоннинг малакали ишчи кучидан тортиб, юқори билимларга эга бўлган мутахассисларига Кувайтда ишлаб, қатта даромад қўриши мумкин. Ушбу омили, охир-оқибат, икки давлат ўртасидаги муносабатлар ва савдо-иқтисодий шериклиқни мустақамлашга ҳам хизмат қилади. Бу нафақат мутахассисларимизнинг Кувайтда ишлагани назарда тутати, балки қулайлик юқори малакали мутахассислар ва экспертларнинг Ўзбекистонимизда ишлагани ҳамда фаолият юритиши учун ҳам замин яратди. Қолаверса, Кувайтнинг иқтисодиёт, молия, банк иши, инвестиция сиёсати, инновациялар, таълим ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича тажрибаси Марказий Осиё давлатлари учун қатта қизиқиш уйғотаётганини алоҳида таъкидлаш керак.

Ўзбекистон етакчисининг Кувайтга расмий ташрифиди бугунги геосиёсий нотинчлик шароитида ислом оламида сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни мустақамлашга қаратилган муҳим миссия бўлди, десак, янглишмаган бўламиз. Ташриф икки томонлама муносабатларни ривожда муҳим воқеа бўлиб, нафақат Ўзбекистон ва Кувайт, балки бутун минтақа учун манфаатли ҳисобланган кўплаб янги лойиҳаларни амалга ошириш учун замин яратди, маданият ва сиёсий алоқаларни мустақамлашга хизмат қилади. Бу — Ўзбекистоннинг халқаро жараёнларга янада чуқуқроқ интеграциялашувида муҳим аҳамиятга эга. Минтақавий ҳамкорлик бўйича муҳокамалар Марказий Осиё ва Яқин Шарқда барқарорлиқни таъминлашга ҳам таъсир қўрсатиши мумкин.

Абдулҳалим СОЙИБНАЗАРОВ, шарҳловчи («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон ва Кувайт ўртасидаги яқин шериклик нафақат икки мамлакат иқтисодий тараққиётининг ажралмас зарурияти, балки минтақавий иқтисодий интеграциянинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳамдир. Ресурслар, тармоқлар ва стратегияларнинг бири-бирини тўлдирishi орқали икки мамлакат ўзаро манфаатларга эришилиши ҳамда Марказий Осиё ва Кўрғаз минтақаси ўртасидаги ҳамкорлиқнинг намунали моделини яратиши мумкин.

Икки мамлакат раҳбарларининг музокаралари мазмунли кечди, кенг қамровли шериклиқни ривожлантириш бўйича келишиб олindi. Иқтисодий ҳамкорлик нуктаи назаридан, мамлакатларимиз бири-бирига муҳим имкониятларни ишга солиши маълум бўлди. Президентимизнинг Кувайт валиаҳди, ҳукумат аъзолари ҳамда йирик компаниялар раҳбарлари билан ўтказган учрашувлари яқунлари ана шундан далолат беради.

Яқингача Кўрғаздаги араб давлатлари билан, жумладан, Кувайт билан муносабатларимиз мавжуд салоҳиятимизга мос равишда фаол бўлмади. Президентимизнинг очилиқ сиёсати туфайли бу йўналишда ҳам кейинги йилларда туб бурилиш юз берди. Ўзбекистон минтақа мамлакатлари билан алоқаларни йилдан-йилга ривожлантириб бормоқда. Ўзаро мулоқотлар фаоллашди, савдо ва инвестициялар кўпайди, қўшма корхоналар ҳамда йирик қўшма саммитлар ўтказилмоқда. Шунинг учун Кувайт билан муносабатларга янгича импульс бериш Президентимиз савий-ҳаракатларининг мантикий давомиди бўлди.

Энг аввало, Кувайт дунёдаги энг бой давлатлардан бири ҳисобланади ва унинг қатта молиявий имкониятлари Ўзбекистонга муҳим инвестицияларни жалб қилиш учун қўлай муҳит яратди. Кувайтнинг суверен жамғармалари ҳамда йирик сармоявий фондлари мамлакатимиздаги истиқболли лойиҳаларга қатта маблағ ажратилиши мумкин ва бу потенциал янги йўналишлардан бири. Ташриф Кувайт учун Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги муҳим иқтисодий ҳамкори сифатидаги аҳамиятини яна бир бор намоён этди. Бу эса, ўз навбатида, Кувайт учун сармоя оқимини диверсификация қилиш ва минтақа бозорларида ўз иштирокини кенгайтириш имконини яратди. Иккинчи муҳим жиҳати, Кувайт бозорига кириш орқали Ўзбекистон ўз маҳсулотларининг экспорт географиясини кенгайтириш имкониятига эга бўлади.

Хабарингиз бор, Ўзбекистонда май ойида Кўрғаз араб давлатлари ҳамкорлиқ кенгаши ва Марказий Осиё иккинчи саммити ўтказилди. 2025 йилда Кўрғаз араб давлатлари ташкилотига Кувайт расмий қилишти. Шу жиҳатдан, ушбу тадбирнинг Ўзбекистонда ўтказилиши ва Кувайтнинг Кўрғаз араб давлатлари ташкилотига расмий нафақат икки давлат, балки икки минтақа имкониятларини ҳам бирлаштиришга, минтақаваримиз ҳамкорлиги учун янги кун тартибини яратишга хизмат қилади. Агар эътибор берган бўлсангиз, январь ойида Президентимиз илк ташрифини Бирлашган Араб Амирликларидан бошлади. Ва бу ташрифлар мантикий давомли мазмунга эга, десак, муболага бўлмайди. Ўзбекистон ва Кувайт кўпроқ савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамда молиявий ҳамкорликдан манфаатдорлигини музокаралар натижалари яққол қўрсатиб берди. Давлатимиз раҳбари еттига йирик компания раҳбарлари билан бирмабир учрашув ўтказди. Ушбу йўналишдаги қишлоқ ҳўжалиги, "яшил" энергетика, саноат кооперацияси, транспорт ва логистика, инфратузилма, шаҳарсозлик, соғлиқни сақлаш,

маллиги йўлида ҳар битта лойиҳа билан ўзи шахсан шугулланишига юксак баҳо берди. Бугунги кунда Кувайтда ҳам иқтисодий лойиҳалар, умуман институционал лойиҳаларнинг ҳар биттаси Амирнинг шахсий назоратида эканлиги мана шу уйғунлиқнинг ифодасидир.

Яна бир эътиборли жиҳат, икки давлатда ҳам гендер тенглиги сиёсати олиб борилмади. Жамиятда аёлларнинг ўрнини мустақамлаш борасидаги Ўзбекистон ислохотларига ҳам Кувайт томонидан юксак баҳо берилди. Мана шу икки жиҳат давлатларимизнинг сиёсатдаги муштараклигини кўрсатади.

Кувайт Амири тор доирадаги музокаралар давомида Президент Шавкат Мирзиёев билан келишилган ҳар битта лойиҳа бўйича мустақам ва мукамил назорат ўрнатилишини, муҳокама қилинган ҳар бир масала икки давлат учун ҳам ўта муҳимлигини ва уларнинг амалга оширилиши қатта имкониятларни очиб беришини алоҳида таъкидлади. Эришилган аҳдномалар бажарилишининг назорати Кувайт Валиаҳди зиммасига юкланди, бу охир-оқибат Ўзбекистон — Кувайт муносабатларидаги фойдаланилмаган имкониятларни ишга солишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси ва Кувайт Давлати ўртасидаги ҳамкорлик даражасидан келиб чиқиб томонлар сиёсий мулоқотни, савдо-иқтисодий алоқаларни, маданий-гуманитар алмашинуви, хавфсизлик, мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасидаги ҳамкорлиқни мустақамлаш муҳимлигини яна бир бор таъкидлашди. Ўзаро манфаатли, кенг қамровли шериклиқни барча соҳада ривожлантириш бўйича савий-ҳаракатларни давом эттиришга келишиб олindi. Товар айирбошлаш учун қўлай шaroитлар яратиш, уни ҳар томонлама диверсификация қилиш ва ҳажминини ошириш мақсадида икки мамлакатнинг тегишли идоралари ўртасида мунтазам учрашувлар ўтказиш, хусусан, савдо-иқтисодий ва

Кенг қамровли шериклиқда дадил қадамлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Кувайт Давлати Амири Шайх Мишвал ас-Сабихнинг тақлифига биноан ушбу мамлакатга амалга оширган расмий ташрифиди давомида Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги дўстлик ва кўп қиррали шериклик муносабатларини янада мустақамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция-молиявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари бўйича келишувларга эришилди.

Фикр

Ал-Кувайт шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида иккала мамлакат етакчилари томонидан Ўзбекистон — Кувайт кенг қамровли шериклик муносабатларини ривожлантириш тўғрисида қўшма баёнот қабул қилиниб, саноат, ҳаво қатновлари, меҳнат, "ақли" шаҳарлар, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш, туризм соҳаларида ҳамда Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан ҳамкорлиқнинг устувор йўналишлари белгилан олindi.

Шунингдек, музокаралар давомида Президентимиз Кувайтда муваффақиятли амалга оширилаётган, мақсад ва вазифалари Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг узоқ муддатли устувор йўналишларига ҳамоҳанг бўлган "Нигох 2035" (Kuwait Vision 2035) давлат дастурини алоҳида қайд этди.

Сабаби, Кувайтнинг "Нигох 2035" ва Ўзбекистоннинг "Ўзбекистон — 2030" стратегиялари ўз мамлакатларини трансформация қилишга қаратилган узоқ муддатли миллий ривожланиш дастурларидир. Бироқ уларнинг асосий йўналиш, устуворлик ва қақриқлари иқтисодий тузилмалар, география жойлашуви ва бошқарув моделлари (Кувайт конституцион монархия давлати) туфайли фарқланади.

Кувайт ҳам, Ўзбекистон ҳам ўз иқтисодиётларини трансформация қилиш, бошқарув тизимини тақомиллаштириш ва глобал рақобатбардошлиқни кўчатиришга қаратилган улкан миллий ривожланиш стратегияларини амалга оширишга киришган.

2017 йилда бошланган "Kuwait Vision 2035" ёки "New Kuwait" дастурлари иқтисодиётни нефтга қарамликдан узоқлаштириш ва мамлакатни минтақавий молиявий ва тижорат маркази сифатида танитишга қаратилган.

Худди шундай, 2023 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида саноатни модернизациялаш, рақамли трансформация ва иқтисодиётни либераллаштиришга алоҳида эътибор берилган. Уларнинг иқтисодий тузилмалари бир-

биридан фарқ қилса-да, иккала стратегия марказида барқарорлик, инсон капиталини ривожлантириш ва инновацион тараққиётга ургу берилган.

Қизқарқис, икки мамлакат миллий ривожланиш дастурларида ўхшаш йўналиш ва мақсадлар кам эмас. Хусусан:

иқтисодиётни диверсификация қилиш — иккала мамлакат ҳам аънаваный иқтисодиёт тармоқларига (Кувайт учун нефть, Ўзбекистон учун фойдали қазилмалар) қарамлиқни камайтиришга интильмоқда. Ўзбекистонда ушбу мақсадда фойдали қазилмалар ва ҳомашё экспорти ўрнига саноатни ривожлантирган ҳолда юқори қўшимча

21 февраль — Халқаро она тили куни



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ шоири

ОНА ТИЛИМГА

Минг йилларким, булбул каломи,
Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.

Аммо шўрлик тўтининг ҳоли,
Ўзгаларга тақлид ҳамиша.

Она тилим, сен борсан, шаксиз,
Булбул куйин шеърга соламан.
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.

Маҳалла – ёруғ юзимиз ва ҳаётимиз мазмуни

Кейинги йилларда маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишда мутлақо янгича ёндашувлар татбиқ этилмоқда. Бу эса содир қилинадиган қонунбузилиш ҳолатларининг асл омилларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш имкониятини янада кенгайтирди, десак, муболаға эмас.

Акс садо

Жумладан, Тошкент вилоятида ҳаётга жорий қилинган “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили оилаларда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ижтимоий-маиший муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу йўналишдаги ишларга янгича суръат беради.

Мазкур ҳужжатга кўра, масъул идоралар ва муассасалар учун 2025 йилда “Ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш” устувор вазифа этиб белгиланди. Айни шу мақсадда манзилли чора-тадбирлар дастури ҳам тасдиқланган бўлиб, ҳар чорақда вилоят, туман ва маҳалла даражасидаги “йўл хариталари” ишлаб чиқиши белгилаб қўйилди.

“Қизил тоифа”даги маҳаллаларда илмий-амалий ёндашувлар асосида жойларга чиққан ҳолда мақсадли ўрганишларни ўтказиш орқали муаммоларга “маҳалла еттилиги” билан биргаликда ечим топиш бўйича ҳар бир вакилнинг аниқ масъулияти ҳам кўрсатиб ўтилди. Айтиш керакки, эндиликда тегишли



масъул идоралар билан ҳамкорликда маҳаллалар, жамоат жойлари ва яшаш хонадонларида хавфсиз муҳит яратиш, фуқаролар ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига ҳар қандай тажовузларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига замонавий рақамли технологиялар ва техник воситалар кенг жорий этилади. Соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижалари юзасидан қатъий сўров тизими йўлга қўйилиб, ушбу масалага масъулиятсизлик билан ёндашган раҳбарларга таъсир чораларини қўриб бориш ҳам белгиланди.

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларида ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, Миллий гвардиянинг психолог-инспекторлари ҳамда тезкор ҳаракатланувчи гуруҳлар ҳамкорлигида хизмат олиб борилади. Жамоат хавф-

сизлигини таъминлаш ва жиноятларнинг олдини олиш бўйича тезкор ҳаракатланиш тизими амалиётга татбиқ этилади.

Мазкур қарор билан адлия органлари олдига ҳам қатор устувор вазифалар қўйилди. Қарор қабул қилинганига кўп бўлмасдан Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан туман ва шаҳар сектор раҳбарлари, ички ишлар органларининг масъул вакиллари билан дастур ҳамда ҳудудий “йўл хариталари” ижросини таъминлаш юзасидан ҳамкорликда ишлар бошлаб юборилди.

Хусусан, адлия идоралари томонидан шу кунга қадар



“қизил тоифа”даги ва криминоген вазият оғир маҳаллаларда 2993 та ҳуқуқий тарғибот тадбири ташкил қилиниб, турли ҳуқуқий масалаларга оид 1449 та материал тарқатилди.

Ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда ваколатли органлар ҳудуд аҳолисининг таркиби, машғулоти, ҳудудий географик жойлашуви, маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, иқтисодиёти, ижтимоий қадриятлари, криминоген вазият, ҳуқуқбузарликларнинг сифат ҳамда миқдор кўрсаткичлари каби фарқли жиҳатларини инобатга олиб, етарли даражада ташаббус кўрсатса, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда ижобий натижаларга эришилиши муқаррар.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш юрт тараққиёти ва осойишталигини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим шартидир. Бунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва мазкур долзарб вазифага масъул ходимларнинг ўрни катта.

Янги Ўзбекистонимизнинг ҳар бир маҳалласини жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, бу борада беварқлик, лоқайдлик ҳолатларига барҳам бериш жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлашнинг асосий шартларидан биридир. Ҳар бир фуқаро онгида “Менинг маҳаллада жиноят содир бўлмаслиги керак” деган туйғуни шакллантириш асосий мақсадимизга айланмоғи лозим.

Абдумуталиб ДАДАЖОНОВ,
Тошкент вилояти адлия
бошқармаси бошлиғи.

«ҲОВЛИ КҮРДИ»ГА КЎЧАТ СОВҒА ҚИЛИНДИ

Ёш шифокор Абдулазиз Мустафокулов яқинда рўзгорини алоҳида қилди. Шу вақтгача акасининг оиласи билан бирга аҳил-иноқ яшаган ота ҳовлисидан янги курган уйига кўчиб чиқди.

Яшил макон

Дабдаба ва ҳашаматлардан холи, аммо жуда чиройли меъморий ва замонавий кўринишда бунёд этилган шинам ҳовли-жойининг анча-мунча томорқаси бор. Унда рўзгорини учун етарли мева-чева, сабзавоту резаворлар етиштириш, қолаверса, ортиқчасини бозорга чиқариб, қўшимча даромад қилиши мумкин. Лекин у ерда ҳали бирорта кўчат экилмаган. Шунданми, ёши етмишши қоралаётган амакиси Мамадали бобо “Абдулазизжон, “ховли муборак”ка ўзим ўстираётган кўчатлардан совға қиламан, ўз қўлим билан экиб ҳам бераман”, деб қолди. Отаҳоннинг бу гапи Абдулазиз Мустафокуловнинг бошқа яқинларига ҳам маъқул бўлди. Натижада экиладиган дарахт турлари рўйхат қилиниб, олинандиган кўчатлар қариндошлар ўртасида тақсимланди. Ширин шаҳрининг Нуробод маҳалласида яшаётган ёш оила томорқасида ажиб бир боғ яратилди...

Сирасини айтганда, сўнгги йилларда совғаларнинг тури кўпайди. Кимдир отаси ёки бошқа яқинининг тугилган кунига автомобиль, биров Умра зиёратига йўлланма туҳфа қилмоқда. Яна фарзандларига яхши кўнларига хонадон турфа қиммат-баҳо ҳадялар тортиқ қилиш ҳам урфга кирмоқда. Албатта, буларнинг бари халқимиз турмушининг тобора фаровон бўлиб бораётганидан далolat. Аммо ҳаётда шундай туҳфалар борки, улар ҳар қандай зару жавоҳирлардан-да қимматли, муҳими, ҳар доим фойдалидир.

Булардан яна бири халқимизнинг маънавий қадриятига айланиб бораётган совғага китоб бериш ода-тидир. Дейлик, бугун сепида сандиқ-сандиқ китоблари бор келинлар, “ота кўрди”да қизига даста-даста китоблар ҳадя қилаётган оталар ҳам борлиги қувонарли. Шу маънода, азалдан оталар ва боболарнинг фарзандларига атаб томорқаларининг адоғию теграсида қатор-қатор тераклар ўстиришини мисол келтирсак, кўчатлар ҳам яқинларимиз ва умуман, бошқалар учун ҳам бериладиган энг чиройли ҳамда керакли совға эканлиги аён бўлиши, шубҳасиз.

Қолаверса, ўша Абдулазиз



Мустафокуловнинг яқинлари туҳфа этган кўчатларнинг тез орада берадиган меваларидан қанча кишилар баҳраманд бўлади, соясидан ором олади. Япроқлари “ишлаб чиқарадиган” кислороддан тўйиб-тўйиб нафас олинади. Шу билан бирга, ушбу дарахтлар совға эгасининг номини мазкур хонадон ва атроф жавонибда узоқ йиллар эс-латиб туради. Ҳаққиға дуолар ва миннатдорликлар айтилади. Демак, туҳфа сифатида берилган ниҳол ҳам китобдек кўп наф ва савоб келтиради. Шундай экан, бундан ибрат олиб, юртдошларимиз ўртасида ҳам бир-бирларига кўчат совға қилиш кенг оммалашса, мақсадга мувофиқ эмасми?

Шукроналик билан мақтансак арзийдики, юртимиз шаҳару қишлоқлари, хонадонлари йил сайин кўркам ва обод бўлиб бормоқда. Жонахон Ўзбекистонимиз улуғвор бунёдкорликларга уйғун равишда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси асосида боғу роғларга бурканмоқда. Мазкур кенг қўламли иш изчил ва жадал давом эттирилмоқда. Бу борада кўзланган мақсадларга ортиғи билан эришиш ва Ватанимизнинг яшил бойлигини янада бойитишда, албатта, ҳар бир юртдошимиз ва ҳар бир оиланинг фаол иштироки жуда муҳим. Ушбу хайрли вазифани ниҳол экиб ўстириш бораберида яқинларимиз ёки эҳтиёжманд оилалар томорқаси учун кўчатлар совға қилиш билан ҳам тўла-тўқис бажарсак бўлади. Йиллар ўтиб, бу ишимиз халқимизнинг қўллаб бебаҳо миллий қадриятлари қаторидан ўрин олса, “ховли муборак”, “уй кўрди”га совға учун кўчатлар кўтариб келиш урфга айлansa, ажаб эмас.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

quyidagi lavozimlarga tanlov e'lon qiladi:

AMALIY MATEMATIKA VA INTELEKTUAL TEKNOLOGIYALAR FAKULTETI

Hisoblash matematikasi va axborot tizimlari kafedrası:

kafedra mudiri lavozimiga — 1 ta;
professor lavozimiga — 1 ta.

Dasturiy injiniring va sun'iy intellekt kafedrası:

professor lavozimiga — 1 ta.

BIOLOGIYA VA EKOLOGIYA FAKULTETI

Biofizika kafedrası:

professor lavozimiga — 1 ta.

Tuproqshunoslik kafedrası:

professor lavozimiga — 1 ta.

Ekologiya kafedrası:

professor lavozimiga — 2 ta.

FIZIKA FAKULTETI

Quruqlik gidrologiyasi va meteorologiya kafedrası:

kafedra mudiri lavozimiga — 1 ta.

GEOLOGIYA VA MUHANDISLIK GEOLOGIYASI FAKULTETI

Geofizika va gidrogeologiya kafedrası:

professor lavozimiga — 1 ta.

IJTIMOY FANLAR FAKULTETI

Falsafa kafedrası:

professor lavozimiga — 3 ta.

Huquqiy fanlar kafedrası:

kafedra mudiri lavozimiga — 1 ta.

Siyosatshunoslik kafedrası:

kafedra mudiri lavozimiga — 1 ta.

JURNALISTIKA VA O'ZBEK FILOLOGIYASI FAKULTETI

Jurnalistika kafedrası:

kafedra mudiri lavozimiga — 1 ta.

Rus tilshunosligi kafedrası:

kafedra mudiri lavozimiga — 1 ta.

KIMYO FAKULTETI

Analitik kimyo kafedrası:

professor lavozimiga — 1 ta.

Organik va neft-gaz kimyo kafedrası:

professor lavozimiga — 1 ta.

Polimerlar kimyosi kafedrası:

kafedra mudiri lavozimiga — 1 ta;

professor lavozimiga — 2 ta.

Tabiiy birikmalar va amaliy kimyo kafedrası:

kafedra mudiri lavozimiga — 1 ta;

professor lavozimiga — 1 ta.

Umumiy va noorganik kimyo kafedrası:

kafedra mudiri lavozimiga — 1 ta.

Fizikaviy kimyo kafedrası:

professor lavozimiga — 2 ta.

MATEMATIKA FAKULTETI:

Algebra va funksional analiz kafedrası:

kafedra mudiri lavozimiga — 1 ta.

Differensial tenglamalar va matematik fizika

kafedrası:

professor lavozimiga — 1 ta.

Geometriya va topologiya kafedrası:

professor lavozimiga — 1 ta.

TAEKVONDO VA SPORT FAOLIYATI FAKULTETI

Sport menejmenti kafedrası:

kafedra mudiri lavozimiga — 1 ta.

TARIX FAKULTETI

Jahon tarixi kafedrası:

kafedra mudiri lavozimiga — 1 ta.

XORIJIIY FILOLOGIYA FAKULTETI

Fransuz filologiyasi kafedrası:

kafedra mudiri lavozimiga — 1 ta.

Tarjima nazariyasi va qiyosiy tilshunoslik kafedrası:

kafedra mudiri lavozimiga — 1 ta;

professor lavozimiga — 1 ta.

Tanlovda qatnashadigan nomzodlar quyidagi hujjatlarni taqdim etishi lozim:

1. Universitet rektori nomiga ariza;
 2. Xodimlarni hisobga olish bo'yicha shaxsiy varaqa (ma'lumotnoma);
 3. Oliy ma'lumoti to'g'risidagi diplomlar nusxasi;
 4. Ilmiy unvoni, ilmiy darajasi to'g'risidagi diplomlar nusxasi;
 5. Ilmiy ishlari ro'yxati (so'nggi 3 yil);
 6. Malaka oshirganligi to'g'risidagi guvohnoma nusxasi;
 7. Xorijiy til bilish darajasini tasdiqlovchi sertifikat nusxasi (xorijiy filologiya fakulteti o'qituvchilari uchun).
- Hujjatlar e'lon chop etilgan sanadan boshlab 1 oy muddatda qabul qilinadi.

**Manzil: 100174, Toshkent shahri, Universitet ko'chasi,
4-uy, O'zMUning xodimlar bo'limi. Telefon.: 71-246-03-92.**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 15 407 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидати маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Тахририятга келган кўлаёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўказиб берилиши учун обунали расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета тахририят тақризларида термиди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.

Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.53 Топширилди — 00.00 1 2 3 4 5 6